

# БМТ мусулмонларга нисбатан камситишларни қоралади



01:09 / 26.07.2023 1014

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш бутун дунё мусулмонлари билан бирдамлик изҳор этиб, Қуръони каримнинг таҳқирланишини қоралади, деб ёзади Фарб матбуоти.

Антониу Гуттеришнинг матбуот котиби Стефан Дюжаррик ўз баёнотида “Бош котиб кескинликни кучайтирувчи ҳамда дискриминация ва экстремизмни рағбатлантирадиган мурасасизлик, зўравонлик ва исломофобия амалиётларини қоралайди” дея таъкидлади.

Гутерриш Инсон Ҳуқуқлари Кенгашининг “камситиш, душманлик ёки зўравонликка чорловчи диний нафратга қарши курашиш” бўйича таклиф қилинган резолюциясини тўлиқ қўллаб-қувватлаши ҳақида маълум қилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон Ҳуқуқлари Кенгаши Қуръонни таҳқирлаш ҳаракатларини қоралаб, айбдорларни жавобгарликка тортишга чақирди. Бу ҳақда, 12 июль куни Женевада бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 53-сессиясида Ислом ҳамкорлик ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган тезкор муҳокама яқунлари бўйича қабул қилинган резолюцияда айтилди. Аммо бу резолюция Фарб давлатлари кенгаши томонидан рад этилди.

**Манба: AzonUZ ([https://t.me/azon\\_official](https://t.me/azon_official))**